

АКЦИЯ ЎТКАЗИЛИШИ ҚОИДАЛАРИ: «ДЎСТИНГИЗНИ ТАКЛИФ ҚИЛИНГ ВА 10 000 APS ОЛИНГ»

2022 йил «03» январь.

1. Рағбатлантирувчи акциянинг номи: «Дўстингизни таклиф қилинг ва 10 000 APS олинг» (кейинги ўринларда Акция деб юритилади).
2. Ушбу Акция А-рау электрон пул Тизимида Акцияларни ўтказиш Қоидаларига мажбурий Илова ҳисобланади.
3. Акция ташкилотчиси: «CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION» МЧЖ - «А-Рау» Электрон пул Тизими Оператори .
4. Акция ўтказиладиган ҳудуд: Акция Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилади.
5. Акциянинг амал қилиш муддати: 2022 йил «03» январь дан Ташкилотчи томонидан бекор қилингунга қадар чексиз муддатгача.
6. Акция иштирокчилари: Тизимнинг рўйхатдан ўтган Мижозлари, уларнинг шахслари Мижоз томонидан идентификациялаш жараёни орқали аниқланган (идентификацияланган Мижозлар).
7. Иштирокчиларни Акция шартларидан хабардор қилиб туриш тегишли маълумотларни Ташкилотчининг <https://www.a-pay.uz> сайтида ва (ёки) мобил иловасида жойлаштириш орқали амалга оширилади.
8. 8. Акцияда иштирок этиш тартиби: Акцияда иштирок этиш учун «А-Рау» Электрон пул Тизимининг Идентификацияланган Мижози махсус ҳисобида камида 5.000 (беш минг) APS бонусига эга бўлиши керак. Дўстингизни таклиф қилганда Мижоздан 5.000 APS ечиб олинади. Агар сизнинг дўстингиз таклифингизни қабул қилса ва «А-Рау» Электрон пул Тизимида рўйхатдан ўтса, Мижоз 10 000 APS бонусига эга бўлади.
9. Агар ушбу Қоидаларнинг 8-бандида назарда тутилган ҳаракатлардан бирортаси бажарилмаса, потенциал Иштирокчи Акция шартларини бажармаган деб ҳисобланади ва шунга мос равишда Акция Иштирокчиси мақомига эга бўлмайди.
10. Ушбу Қоидаларнинг 8-бандида кўрсатилган барча шартларни бажарган шахс Акция Иштирокчиси мақомини олади ва Ташкилотчидан Иштирокчига, у «APS bonus» Бонус дастури Қоидалари талабларига мувофиқ фойдаланган тақдирда, Мукофотларни олиш ҳуқуқини берувчи, 10 000 (ўн минг) APS олиш ҳуқуқи берилади .
11. Ташкилотчига Иштирокчини Рағбатлантиришга даъвогарлар рўйхатидан ўчирилишига олиб келувчи фактлар ҳақида маълум бўлган тақдирда («APS Бонус» Бонус дастури шартларига, «А-Рау» Электрон пул Тизимида Акцияларни ўтказиш қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари, фирибгарлик, ғирромчилик қилиш, ўзи ҳақида нотўғри маълумотларни тақдим этиш, аккаунтларни оммавий юбориш орқали бонуслар олишда суиистеъмол қилиш, телефон



эгасининг розилигисиз телефон рақамларига кириш ва рўйхатдан ўтиш, маълумотларнинг етишмаслиги, тизимдаги фаолликда акс этувчи шубҳали рўйхатдан ўтишлар ва бошқалар), бундай шахслар Акция Иштирокчилари рўйхатидан чиқарилади ва APS олиш ва Рағбатлантириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, илгари олинган APS бекор қилинади.

12. Акция муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда Ташкилотчи ўзининг расмий веб-сайтида <https://www.a-pay.uz> ва (ёки) мобил Иловада бу ҳақда тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали амалдаги ва (ёки) потенциал Иштирокчиларни очиқ хабардор қилиш мажбуриятини олади.
13. Ташкилотчи ушбу Қоидалардан, «А-Рау» Электрон пул Тизимида Акцияларни ўтказиш Қоидаларидан, «APS bonus» Бонус дастури Қоидаларидан четга чиққан тушунмовчиликлар, нотўғри талқинлар, тахминлар ёки фикрлардан келиб чиқадиган ҳар қандай даъволар ёки зарарлар учун жавобгар эмас.
14. Саволлар, тушунмовчиликлар ёки бошқа низолар юзага келса, Акция Иштирокчиси Ташкилотчига мурожаат қилиб, уларга аниқлик киритиш/ҳал қилиш учун барча чораларни кўриши шарт.
15. Ташкилотчининг мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатувчи форс-мажор ҳолатлари, жумладан, сув тошқини, ёнғин, иш ташлашлар, зилзилалар ёки бошқа табиий омиллар; оммавий эпидемиялар; давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг буйруқлари ва Ташкилотчига боғлиқ бўлмаган бошқа объектив сабаблар юзага келган тақдирда Ташкилотчи Акция Иштирокчилари олдида жавобгар бўлмайди.
16. Мазкур Қоидаларда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш факти Акция Иштирокчисининг ўз шахсий маълумотларига ишлов беришга, электрон почта (шахсий кабинет, телефон, шунингдек, ижтимоий тармоқлар орқали ва бошқалар) орқали Ташкилотчининг ушбу Акцияларига ва бошқа Акцияларига оид реклама ва хатларини олишга розилигини билдиради. Акциянинг ҳар бир Иштирокчиси ўзининг фотосурати, видео тасвирини, у билан суҳбатни Ташкилотчининг веб-сайтида ва (ёки) мобил Иловасида, реклама материалларида, ижтимоий тармоқ саҳифаларида жойлаштириш ва жойлаштиришга розилигини беради. Иштирокчининг розилиги Ташкилотчига чекланмаган муддатга ва бу учун ҳеч қандай мукофот тўланмасдан берилади.
17. Иштирокчи томонидан ушбу Қоидаларда кўрсатилган ҳаракатларнинг бажарилиши Иштирокчининг «APS bonus» Бонус дастури Қоидаларига, Оферта ҳисобланмиш «А-Рау» Электрон пул Тизимида Акцияларни ўтказиш Қоидаларига тўлиқ ва сўзсиз розилигини билдиради.
18. Ушбу Қоидалар билан тартибга солинмаган барча бошқа ҳолатларга «А-Рау» Электрон пул Тизимида Акцияларни ўтказиш Қоидалари, «APS bonus» Бонус дастури Қоидалари қўлланилади.

